БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 29 (19.700). • 1987 йил 4 февраль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Мажбуриятларни бажариш —шарафли бурчимиз

Ўзбекистон меҳнат аҳли КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига жавобан, ўн иккинчи беш йилликка ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилди.

Саноатда:

600—750 миллион сўмлик маҳсулот пландан ташқари ишлаб чиқарилади.

900 миллион сўмлик иқтисодий самара рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш ҳисобига олинади.

87 корхона Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейигача давлат қабулига ўтказилади.

300 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ички резервлардан фойдаланиш ҳисобига беш йиллик мобайнида пландан ташқари чакана нархларда ишлаб чиқарилади.

1 процент — меҳнат унумдорлиги планга қўшимча шунча миқдорда оширилади.

0,5 процент — саноат маҳсулоти таннархи пландан ташқари шунча арзонлаштирилади.

ИШЧИЛАРНИНГ МАРДОНА СЎЗИ

Совет халқи ҳаётидаги тарихий саналар —Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги ва буюк доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам бу шонли саналарни муносиб кутиб олишга азму қарор қилганлар. Ўзбекистон меҳнаткашларининг ўн иккинчи беш йилликка ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ана шу умумхалқ ҳаракатидан далолатдир.

Мажбурият олдикми —уни албатта бажариш керак. Ишчи виждони шуни талаб қилади. Буни қалбдан чуқур ҳис қилган республикамиз меҳнат аҳли КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь ва 1987 йил январь Пленумлари қарорларини бажара бориб, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда, партия режаларини амалий ишларга айлантиришда жуда катта илҳомбахш ва сафарбар этувчи омил бўлиб қолянти.

1987 йил дастлабки ойининг натижалари республикамизда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар реал асосга эга эканлигидан нишонадир. Кўпгина ишчи коллективлари январь ойи план топшириқларини ортиғи билан адо этдилар. Булар орасида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Охунбобоев номидаги Қўқон тикувчилик фабрикаси, Урта Осиё темир йўлининг Фарғона бўлинмаси, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бир қанча коллективлари бор. Хўш, мазкур коллективлар эришаётган муваффақиятларнинг омили нимада? Тажриба қаерда ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштиришга, мавжуд ишлаб чиқариш ва илмий-потенциал самарадорлигини янада оширишга, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга етарли равишда аҳамият берилаётган бўлса, ўша жойда белгиланган юксак марралар эгалланишини кўрсатмоқда. Айни пайтда январь ойи якунлари ўтмиш хатолари ва эски касалликлар яшовчан эканлигини ҳам яна бир карра исботлади. Уюшқоқсизлик ва интизомсизлик, хўжасизлик ва лоқайдлик, тургунлик ва масъулиятсизлик ҳолларига узил-кесил барҳам берилган эмас. Шунинг натижасида бир қанча кўрсаткичлар бўйича планлар барбод этилди. Самарқанддаги «Хлопкомаш», Андижондаги «Электродвигатель», «Ўзбекхиммаш» заводлари, «Тошкент» мебель бирлашмаси маҳсулотларининг айрим турларидан Сифат белгиси олиб ташланди.

Маҳсулотларнинг давлат қабулини жорий этишда кескин силжишга эришилмади. Кўпгина корхоналар давлат қабулига ўтиш даврида яхши тайёргарлик кўрмаганликлари маълум бўлди. Республиканинг бир қанча министрликлари, бирлашмалари ва корхоналарида тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципларига ўтишда дадилик сезилмаянти.

Вазифа — ишлаб чиқариш унумдорлигини юксалтиришда социалистик экономиканинг ички резервларидан тўлароқ фойдаланишдан иборат. Уларни топиб ҳаракатга келтириш, хўжалик фаолияти партиянинг иқтисодий сиёсатига тўла мос бўлишини таъминлаш —партия ташкилотларининг муқаддас бурчидир. Энг муҳими — йил бошидан ҳар бир меҳнат коллективининг бир маромда ва барқарор тусда ишлаши йўлга қўйилсин. Бусиз зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, беш йилликнинг биринчи йилида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билангина чекланиб қолмаслигимиз даркор. Акснича, янада олга боришимиз, ўсишнинг узоқ муддатли омилларини кенгроқ ишга солишимиз лозим. Барча соҳаларда, албатта, салмоқли ижобий силжишларга эришиш, бу силжишларга муқаррар тус бериш керак.

Республикамизда бригада пудрати, хўжалик ҳисоби сust оммалашмоқда. Бу масалани ижобий томонга қараб ўринидан қўзғатишга зўр бериш зарур. Хўжалик ҳисобидаги коллективларни коммунистлар билан мустаҳкамлаш, уларда социалистик демократизмни чуқурлаштириш — шу кунинг талаби. Бунда партия ташкилотлари ўзларига КПСС Уставида бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Яна бир масала бор. У ҳам бўлса баъзи хўжалик раҳбарлари психологиясини кескин ўзгартиришдан иборат. План топшириқлари ва мажбуриятларнинг барбод бўлишини турли-туман рўкачлар ва «объектив сабаблар» билан хаспўшлашга уринишга қатъиян чек қўйиш даркор. Бунда қолоқлик сабабларини чуқур таҳлил эта билиш ва уларни бартараф этишнинг конкрет чора-тадбирларини белгилай олиш, уларнинг адо этилишини назорат қилиш ва таъминлаш маҳорати ишимизнинг бош мезони бўлсин.

Меҳнат коллективлари ҳақидаги Қонун кучидан самарали фойдаланиш зарур. Меҳнат интизомини бузувчиларга, ичкиликбозлар, бракчиларга қарши бутун меҳнат коллективида муросасизлик муҳитини вужудга келтириш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Интизом корхона ички тартиб-қоидаларига шунчаки бўйсуниш эмас. У ўз ишига онгли, ижодий ёндашиш интизомига айланган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу сабабли тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳар куни, ҳар соат ғамхўрлик қилиниши керак. Иккинчи томондан эса ишчилардан талаб қилиш билан бирга уларга унумли ва сифатли меҳнат қилишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериш, уларнинг касб маҳоратини ва малакасини мунтазам ошириб бориш зарур. Бу масалаларнинг ҳаммаси кеча матбуотда эълон қилинган республика меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларида ўз аксини топган. Энди гап жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик органларида қолди. Улар ўзларининг бутун сиёсий-оммавий ва ташкилотчилик фаолиятларини бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга сафарбар этишлари лозим.

«Партиянинг жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини амалга оширишда 1987 йил жуда муҳим роль ўйнашини яхши тушунасизлар, — деб уқтирди ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумида. — Бутун беш йилликнинг, энг муҳим ташаббусларимизнинг муваффақияти ва истиқбол планларимизнинг бажарилиши ўзимизнинг қандай ишлашимизга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам дастлабки кунлардан бошлаб бутун диққат-эътиборни конкрет ишларга, белгиланган қарорларни амалга оширишга қаратиш муҳимдир».

Ўн иккинчи беш йиллик иккинчи йили одим отмоқда. Январь ойида йўл қўйилган қолоқликдан чиқиб олиш, ҳар бир иш кунининг унумли бўлишига эришиш лозим. Партия белгилаб берган вазифаларнинг мураккаблиги ва кенг миқёслилиги биздан шуни талаб қилмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ

1987 йил 27—28 январь кунлари бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми материаллари алоҳида китобча қилиб чиқарилди. Китобчага Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги информацион бюллетени, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида»ги доклади, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг якунловчи нутқи, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори киритилган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

Бугунги сонда

◆ Ўн иккинчи беш йилликка ва Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бекаму кўст бажарилишига эришиш учун мусобақани кун сайин қизитайлик!

1-бет

◆ Инсон омилини янада активлаштириш, икки сменали ишга кўчиш тадбирлари Хоразм областидаги хўжаликларда қандай олиб борилмоқда?

2-бет

◆ Социалистик мулкимизни асраш, нобудгарчиликка қарши қатъий курашиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети раиси В. А. Ҳамидов билан суҳбат ана шу мавзуга бағишланган.

3-бет

◆ Усти ялтироқ, ичи қалтироқ музей биноси.

4-бет

Яқинда Жомбой районидаги «Жомбой» совхози механизаторлари ўз ҳамкасблари Баҳодир Арслоновни ВЛКСМ XX съездига делегат қилиб сайлаганлиги билан қизғин табриклашди. Баҳодир 6 йилдан бери хўжаликда механизаторлик қилади. У шу йиллар мобайнида ўзининг меҳнатсеварлиги билан эл оғзига тушди. Райондаги энг яхши дала гвардиячилари сафидан ўрин олди. Моҳир механизатор яқинда ўзи бошқарадиган агрегатни сифатли созлаб кўкламги дала ишларига шай қилиб қўйди.

Суратда: Баҳодир Арслонов (ўнгда) слесарь-ремонтчилардан Саноқул Ашуров ва Шуҳрат Умаровлар билан.

Р. Ғофуров фотоси (ЎзТАГ).

• *Транспорт конвейерига—аниқ маром*

«САХИЙЛИК» ЗАМИРИДА НИМА БОР?

Ўтган йили вагонларга юк ортиш ва туширишни планларини барвақт адо этдик. Ҳар бир вагонга кўзда тутилганидан 200 килограммдан ортиқ юк ортилиб турди. Шунинг ҳисобига бир неча минг тоннадан зиёд халқ хўжалиги юклари қўшимча жўнатилди.

Ҳа, станция коллективи эришаётган ютуқлар кўп. Аммо мен бошқа бир масала ҳақида сўз юритмоқчиман. Хўжалик раҳбарлари билан вагонларни бўшатиш масаласида «олишиш»га тўғри келади. Партия ва ҳукуматимиз темир йўл транспортининг юк обороти имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласини ўткир қилиб қўйди. Шунга қарамай айрим масъул ходимларнинг ўз ишига совуққонлик билан қараши ачинарли. Ўтган йили Фарғона консерва заводи вагонларни узоқ вақт ушлаб турганлиги туфайли 6 минг 300 сўм жарима тўлаган эди.

Область агросаноат комитети тайёрлов-сотув бошқармаси ҳам темир йўл вагонлари ҳаракатини тезлаштиришга бефарқ қарамоқда. Бу ташкилот вагонларни вақтида бўшатмагани учун 8200 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Фарғона дон маҳсулотлари комбинати, «Ферганапиво» бирлашмаси ва бошқа қатор корхоналар ҳам анчагина жарима тўладилар.

Хўш, корхоналар раҳбарлари пинагини бузмай имзо чекиб бераётган жарима ҳужжатлари замирида нима ётади? Ахир бекордан-бекорга йўқотилаётган маблағларни шу корхоналарга қарашли боғча-яслилар, ётоқхоналар, клублар ва кутубхоналарга янги инвентарлар сотиб олиш, ишчиларнинг кўнгилли дам олишларига сарфлаш маъқул эмасмиди?! Фарғона тўқимачилик комбинати раҳбарлари шу йилнинг 14 январигача 100 контейнерга юк ортилмай бекор туришига, жарима тўланишига бепарво қарадилар. Шу маблағ ишчи ётоқхоналарини яхшилашга сарфланганда дуруст бўларди-ку!

Яқинда станциямизга Фарғона районидаги «Еш ленинчи» совхози номига юкли вагон келди. Биз дарҳол совхоз маъмуриятига бу ҳақда маълум қилдик. Аммо соат 12 да келган вагон билан ярим тунгача ҳам биров қизиқмади. Область Совети ижроия комитети аралашгандан сўнггина кейинги куни соат 6 да вагон бўшатилди. Вагон белгиланган муддатдан 14 соат ортиқ ушлаб қолинди. Натижада совхоз хўжалик раҳбарларининг бепарволиги, масъулиятсизлиги туфайлигина жарима тўлади. Ваҳолонки, вагонни ўз вақтида бўшатиш учун совхозда ишчи кучи ҳам, транспорт ва вақт ҳам етарли эди.

Қизиқ бир ҳол. Агар шу совхознинг бирор ишчиси бепарво бўлиб экинни сувга бостириб юборса борми, уни ҳойнахой, касаба союз ташкилоти муҳокама қилади ё деворий газетада карикатура чиқади. Нега энди совхоз маблағининг беҳафсалалик туфайли бошқа ташкилотга ўтиб кетишига сабабчи бўлган масъул шахсни партия, касаба союз ташкилотлари жиддий муҳокама қилмайдилар?!

Ҳар ҳолда мен кейинги вақтда бирор корхона ёки хўжалик раҳбарининг партия, касаба союз ташкилотида муҳокама қилинганини эшитмадим. Ўша жойлардаги халқ контроли группа ва постлари аъзолари нега бу ноҳуш аҳволга беэътибор қараб қолмоқдалар? Ўзининг жинояткорона бепарволиги билан коллектив маблағини совураётган шахсларни одамлар яхши таниб олишлари ва улардан қатъий талаб қилишлари лозим.

Йил якунларига кўра кўплаб корхоналар катта-катта маблағларни «сахийлик» билан темир йўл ташкилотларига ўтказиб юборишгани маълум бўлди. Йил охирида коллективларда шу масала муҳокама қилиндимикин? Ҳозирча корхона ва ташкилотлар фаолиятида вагонлар ҳаракатини жадаллаштириш юзасидан айтарли ўзгариш сезилмаянти. Ўтган йили жаримачилар рўйхатининг бошида бўлган Фарғона консерва заводи бу йил январь ойининг 15 кунидагина 1052 сўм жарима тўлаб улгурди.

Жарима тўлаш билан иш битмайди. Вагонлар оборотини билан мунтазам шуғулланилгандагина ишлар юришиб кетиши мумкин.

А. ПЛОФОТНЮК,

Фарғона темир йўл станцияси юк ортиш-туширишбўлими ходими.

• *Таҳлил ва сабоқ*

ҚУВВАТЛАР НЕГА БЕКОР ТУРИБДИ?

СССР Марказий статистика бошқармасининг беш йиллик биринчи йили якунлари тўғрисидаги ахборотида Ўзбекистон енгил саноатининг иккита корхонаси: Хўжайли йигирув-тўқув ва Чортоқ тикув-трикотаж фабрикалари тилга олинган.

Иккала корхонанинг камчилиги бир хил: иккаласи ишга туширилганидан кейин улардаги қувватлар ўзлаштирилгани йўқ. Халққа аталган моллар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этиш учун сарфланган катта маблағ муносиб самара бермади.

ЎзТАГ мухбирлари Хўжайли ва Чортоқдан хабар қиладилар:

* * *

Аввалига бир неча рақам: Хўжайли йигирув-тўқув фабрикаси ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга 3,5 миллион сўм зиён етказди, бу ерда кадрлар қўнимсизлиги 50 процентдан ошади.

Бу фабрика Қорақалпоғистон ип газлама бирлашмаси составига киради. Бирлашмада кўпдан-кўп ташкилотлар —СССР ва республика Енгил саноат министрликлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети билан ёзишмалар бир неча томни ҳосил қилган. Бу ёзишмаларнинг маъноси Хўжайлида замонавий фабрика қуриш тўғрисидаги қарор асоссиз эканлигини исботлашдан иборат.

Автоном республиканинг аввалги раҳбарлари таклифига биноан Иттифоқ Енгил саноат министрлиги шу объектни қуришга пул ажратган. Бунинг учун келтирилган далиллар салмоқли туюлади —қишлоқ мактабларини битириб чиққан қизларнинг ишлайдиган жойи йўқ. Хўжайлидан ҳамда теварак атрофдаги колхоз ва совхозлардан ўнлаб ёшлар касб ўрганиш учун Россия Федерациясининг энг яхши йигирув-тўқув фабрикаларига юборилди. Улар уйларига қайтиб келгач ярмига яқини ишга тушмади, сабаб?

Сабаби шуки, маҳаллий раҳбарлар фабрика қуришни талаб қилганларида: корхонанинг барча хизматчилари уй-жой, маданият муассасалари билан, уларнинг фарзандлари эса болалар боғчалари ва мактаблари билан таъминланади, деб ваъда берган эдилар.

Амалда эса уй-жой ва социал-маданий-маиший муассасаларнинг йўқлиги оқибатида муаммолар ҳал этилмай, қувватлар бекор туриб қолди.

Йигирув-тўқув фабрикасининг касаба союз комитетида алоҳида шинам квартира эмас, (бу ердагилар уни орзу ҳам қилмайдилар), балки бир қаватли коммунал уйдан шунчаки бир хона бериш тўғрисида йигирувчилардан тушган юзлаб аризалар чанг босиб ётибди. Корхона маъмурияти билан касаба союз комитетидаги ўртоқлар уларга нима жавоб қайтаришни билмай бошлари қотмоқда.

Ип газлама бирлашмасининг раҳбарлари Иттифоқ министрлигидан 120 минг квадрат метр уй-жой, 1760 ўринли болалар боғчалари, 2350 ўринли мактаблар қуриш учун маблағ ажратишни илтимос қилдилар. Мана шундагина фабрика мушкул аҳволдан қутулишини айтдилар. Бунга жавобан Иттифоқ министрлиги, фабрика бўлса бас, ҳаммасини ўзимиз дўндирамиз, деган мазмундаги эски дабдабали хатни кўрсатади. Ниҳоят 740 квадрат метр ҳажмли уй-жой қуриш учун фонд ажратилди.

Бу —Хўжайли йигирув — тўқув фабрикасининг бирдан-бир муаммоси эмас. Тайёр калава ипни тўқимачилик корхоналарига жўнатиш масаласи шу пайтгача ҳал этилмаган. Сабаб? Республика министрлиги тўқимачиларни таъминлаши лозим бўлган буюртма — нарядлар йўқ. Шунинг оқибатида омборларда минг тоннага яқин маҳсулот тўпланиб қолди. Бу мушкул аҳволдан қутулишнинг иложи ҳалигача топилгани йўқ.

Чамаси, Хўжайли йигирув-тўқув фабрикасининг суруникли дарди Қорақалпоғистон ип газлама бирлашмасининг барча корхоналарига ҳам юқмоқда. Фақат кейинги тўрт йилнинг ўзида улар давлатдан 13 миллион сўмдан кўпроқ қарздор бўлиб қолдилар.

* * *

Чортоқ тикув-трикотаж фабрикасининг коллективи ўтган йилги планни... ошириб бажарди. СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида эса корхона қолоқлар қаторига кўшилган. Бу — хатоми? Йўқ! Фабрикада, шунингдек республика Енгил саноат министрлигида план кўрсаткичларини ишловчилар сонига қараб белгилаганлар. Марказий статистика бошқармаси эса ишга туширилган қувватларга асосланган.

Бу корхона қурилишига 5,5 миллион сўмдан кўпроқ чиқим қилинди. Бу ерда ички трикотаж ишлаб чиқарадиган энг замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Бироқ, талаб қилинадиган 830 мутахассис ўрнига цехларда ўтган йилнинг бошларида атиги 178 киши ишлади.

Малакали кадрларнинг йўқлиги — тикув-трикотаж фабрикасининг энг катта муаммосидир. Бунинг учун корхона раҳбарларининг ўзлари айбдорлар, улар малакали кадрлар тайёрлаш ҳақида ўз вақтида ғамхўрлик қилмадилар. Улар фабрикага бириктириб қўйилган маҳаллий ҳунар-техника билим юртига умид боғлаган эдилар. Аммо бу билим юртининг моддий базаси ҳам, муаллимларининг малакаси ҳам ҳозирги замон талабларига мувофиқ келмайди. Ҳозир корхона цехларида шу билим юртини битириб чиққан уч юздан кўпроқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Аммо уларнинг малакаси юқори эмас. Шу сабабли станоклар кўпинча тўхтаб қолмоқда, брак маҳсулот чиқмоқда.

Ҳозир фабрика штатида атиги 5 нафар мастер бор. Аммо улар ҳам илгари ҳеч қачон тикувчиликдан хабардор бўлмаган одамлардир. Инженер-техник ходимларнинг малакаси ҳам мана шундай, уларнинг кўплари қишлоқ хўжалик маълумотини олиб келганлар.

— Фабрикада икки юздан кўпроқ мутахассис етишмаянти, — дейди унинг директори А. Дедахонов. — Аммо тез орада бизга ҳунар-техника билим юртини битирган яна 90 нафар қиз ишга келади. Қувватларни иш билан таъминлаймиз.

— Маҳсулотнинг сифати қандай бўлади?

— Ҳаракат қиламиз...

Раҳбарнинг ваъдасига қарамай, бу ерда кадрлар муаммоси тез орада ҳал бўлмайди.

Тикув-трикотаж фабрикаси лойиҳадаги қуввати даражасига чиқиб олиши учун бу йил минг тоннадан кўпроқ трикотаж газлама олиши керак. Ҳолбуки, 640 тонна ажратилган. Қолганига фонд берилмаган. Агар фабрикада ишловчи етишмаса материални барқарор ишлаб турган қўрдош корхонага берган яхшироқ, деб мантиқий иш тутилган.

Ҳозирча юздан кўпроқ тикувчи ўз малакасини ошириш учун чойшаб, ёстиқ жилди ·сингари соддароқ нарсаларни тикиш билан овора бўлиб турибди. Савдо ташкилотлари эса сифатли трикотаж юборишни талаб қилиб кетма-кет хат ёзмоқдалар.

Қўшимча тола

Тежамли иш юритиш — корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаб боришнинг катта резерви. Андижондаги 1-Ленинск пахта тозалаш заводи ишчи ва мутахассислари ана шу ҳаётий ҳақиқатга ўз тажрибаларида иқрор бўлмоқдалар. Улар хом ашё ва бошқа ресурсларни иқтисод қилиш йўлида астойдил изланяптилар.

Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш туфайли ўтган йилнинг уч квартали мобайнидагина 16,5 минг сўм тежадилар. Бу ишга рационализаторлар, айниқса, баракали ҳисса қўшяптилар.

— Биз, — деди корхона смена мастери Анварбек Рўзиев, — меҳнатни оқилона ташкил этиш, вақтдан унумли фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Айниқса, тола чиқишини кўпайтириш соҳасидаги ҳаракатларимиз қувончли натижалар беряпти.

Дарҳақиқат, А. Рўзиев раҳбарлик қилаётган смена коллективи технология талаблари асосида меҳнат қилиб, тола чиқишини тобора кўпайтиришга эришаётир. Чиқитсиз технология талабларига қатъий амал қилиш катта ёрдам беряпти, Ғ. Ҳамроқулов, А. Ҳамдамов мастер бўлган сменалар ҳам тола ажратиб олишни кўпайтириб боришга эришаётирлар.

Шу тариқа ҳар бир сўмлик товар маҳсулот тайёрлашга сарф-харажатлар камайиб боряпти. 1985 йили бир сўмлик товар маҳсулот тайёрлашга 94,46 тийин сарфланган бўлса, ўтган йили харажат анча камайди — 93,74 тийинга тушди. Тийинлар сўмларни, сўмлар эса минглаб сўмларни ташкил қилмоқда. Бу — тежамкорлик шарофати.

К. ВАЛИЕВ,

РЕСПУБЛИКАДА УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТЛАРИ ТУЗИЛМОҚДА

ДОИМО САФДА

33 йилдан буён Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бухоро пахта тозалаш заводида ишлаяпман. Ҳалол меҳнатим туфайли давлатимиз томонидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландим.

Корхонамизда менга ўхшаган ветеранлар кўп. Барча ишловчиларнинг 15 процентдан зиёдини Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранлари ташкил қилади. Мен мастерлик қилаётган бригададаги 76 ишчидан 18 киши меҳнат ветеранларидир.

Бригадамиз тола ишлаб чиқариш йиллик планини 102,9 процент қилиб бажарди. Ветеран ишчиларимиз А. Духанина, И. Ашуров, М. Жўраев, А. Сайфуллаев ёшларга ибрат кўрсатишмоқда. Уларнинг ҳар бири икки ёш ишчига мураббийлик қилмоқда. Мен ёш ишчи И. Аббосовни ўз ўрнимга смена мастерлигига тайёрлаяпман.

Жойларда ветеранлар советларининг ташкил қилиниши жамиятимизда меҳнат кишиси нақадар қадрланишининг ёрқин ифодасидир. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишимизда завод ветеранлар советини ташкил қилдик. Совет аъзолигига 11 ишлаб чиқариш илғори бўлган ветеран, шу жумладан мен ҳам сайландим. Советимиз раиси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси И. Саидов яқинда бизни дастлабки мажлисга тўплади. Совет аъзолари ўртасида конкрет иш участкаларини тақсимлаб олдик.

Мажлисбозликни камроқ қилиб, кўпроқ амалий иш билан шуғулланиш ниятидамиз. Ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга ишловчи ветеранлардан ташқари дам олаётган пенсионерларни ҳам жалб қиламиз. Ҳар бир ветеран ўзидек малакали, сиёсий етук ишчини тарбиялашга аҳд қилган.

Соли ШАМШИДДИНОВ,

Бухоро пахта тозалаш заводининг бригада смена мастери.

А. С. Пушкинга бағишлаб

3 февраль куни А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида очилган тантанали кеча билан республикада Пушкин хотираси кунлари бошланди. Республика шоирлари ва ёзувчилари ўз тақдирларида Пушкин поэзиясининг катта аҳамиятга эга бўлганлиги тўғрисида гапирдилар, Пушкин қадамжолари бўйлаб сафарларидан олган таассуротларини ўртоқлашдилар. Шоир шеърлари ҳамда поэмаларидан ўзбек ва тожик, уйғур ва корейс, крим-татар ва бошқирд тилларига қилинган янги таржималар янгради.

Республикамизда шоир талантининг миллионлаб мухлислари бутун мамлакатда ўтаётган Пушкин хотираси кунларини кенг нишонламоқдалар. Адабиёт музейларида «Пушкин Шарқ шеъриятида» мавзуидаги экспозициялар ташкил этилади.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII съезди: қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлидан

ДАХЛДОРЛИКНИ ОШИРИБ

• Партия турмуши

Корхонамиз ишчилари беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки ойлариданоқ юксак зафарларни қўлга киритмоқдалар. Бунда бошланғич партия ташкилотимизга уюшган 21 коммунистнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Қолиплаш цехи бошлиғи, коммунист Оллоназар Бойназаров бинолар томини ёпиш учун мўлжалланган кўп қовакли плиталарга ишлатиладиган арматура симларини қиздириш йўли билан узайтирадиган «СМЖ — 127» станогини ишга тушириш масаласини кўтарди. Илгари арматура симлари силжиб кетмаслиги учун қаламчалар ёрдамида бир-бирига қўлда улаб чиқилар, симлар салқилиги маҳсулот сифатига путур етказарди. Инженерлар эътиборсиз қараган бу станокнинг ўрнатилиши туфайли эндиликда ҳар бир «ПТК» маркали плитага арматура сарфи 20 килограммга яқин камайди. Бунинг устига темир-бетон плиталарнинг мустаҳкамлиги ортди. Бу арматура материалларини тежаш билан иш унумдорлигини ошириш, яъни ҳар сменада 15 ўрнига 23—25 та плита қуйиш имконини бермоқда.

Қуйиш цехи слесари Ўрол Раимовнинг лоток тайёрловчилар бригадасига келтирилган янги тебратма столига ўзгартириш киритгани унинг иш тезлигини икки ҳисса оширди. Бошқача айтганда, қолипга қуйилган бетон қоришма 5 минут ўрнига 2-2,5 минутда зичлашадиган, бунинг устига тебратма столининг иш муддати узаядиган ва вақтдан ютиладиган бўлди. Эндиликда сифатга мутлақо путур етмаяпти.

Илгари тайёр маҳсулотлар уларни сақлаш майдончалари йўқлигидан цехнинг ўзида уюлиб ётарди. Олий маълумотли, ёш коммунист Фахриддин Қобилов маҳсулотни реализация қилиш бўлими бошлиғлигига тайинлангач, ишлар юришиб кетди. У мутахассислар олдига тайёр маҳсулотлар майдонини шошилинч битказиш, бу ерга келадиган темир йўл тармоғини тезроқ ишга туширишга эришиш талабини қўйди.

Коммунистнинг таклифи амалга ошди. Корхонамиз эндиликда ўз маҳсулотини Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Самарқанд, Жиззах ва бошқа областлар сув хўжалиги объектларига ҳам жўнатмоқда. Шу туфайли ўтган йили маҳсулот реализация қилиш плани ошириб бажарилди. 1985 йилга нисбатан 116 минг сўмлик маҳсулот кўп реализация қилинди.

Заводимизда биринчи бўлиб пудрат асосида ишлашга ўтган коммунист Турсун Бердиқулов бошлиқ бригада ҳар бир ишда илғор бўлмоқда. Бригада арматурачилари ишнинг пировард натижасига қараб ҳақ олишмоқда. Қайта қуриш шароитида, айниқса меҳнатда қатнашиш коэффициентининг қўлланилаётгани ҳар бир киши манфаатдорлигини оширмоқда. Ҳамроҳининг ишини бажарган кишига қўшимча ҳақ тўланмоқда. Шунинг учун бригаданинг ҳамма аъзоси аралаш касбни эгаллаган. Пайвандловчи Михаил Биков арматура етишмай қолса, кран ҳайдовчиси ишини бажариб, арматураларни тўғрилаш ва кесиш станокларига етказиб беради.

Бу КПСС Марказий Комитети январь Пленумида таъкидланганидек қайта қуриш йўлидаги илк қадамлардир. Ҳар бир коммунист қайта қуришнинг ўзига дахлдорлигини ҳис этсагина юксак масъулият билан ишлай олади. Заводимизда ўтган йилнинг ўзида биринчи категория белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайди. Бироқ 17 турдаги маҳсулот шу категория билан чиқарилаётган бўлса-да, техника назорати бўлими томонидан 15,49 кубометр ёки 823 сўмликдан зиёд темир бетон буюмлари яроқсиз деб топилди. Бу қолиплаш, бетон тайёрлаш бригадалари коллективларида ишлаётган айрим кишиларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги натижасидир. Брак маҳсулот тайёрлаётган ишчилардан унинг зарари ундириб олинмоқда. Бу эса ҳар бир ишчининг масъулиятини оширяпти. Коммунист Шомурод Ўтаёров бошлиқ қуювчилар бригадасининг шундай нохуш ишда «улуши» бўлди. Бу бригадирнинг коллектив орасида меҳнат интизомини бўшаштириб юборганлигини, агитаторлик топшириғини етарли бажармаётганлигини кўрсатади.

Яқинда коммунистларнинг очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1987 йил социалистик мажбуриятлари муҳокама қилинди. Коммунистлар, партиясиз активлар барчанинг чуқур иқтисодий тафаккурга эга бўлишига эришмай туриб, қайта қуриш, жадаллаштиришга эришиш мумкин эмаслигини таъкидладилар. Тан олиш керакки, ҳар бир кишида қайта қуришга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш, ҳар бир киши онгида ўзгариш ясаш борасида партия ташкилотимиз олдида талай вазифалар турибди.

Кадрлар қўнимсизлиги муаммолигича қолаётир. Ўтган йили у 10 процентни ташкил этди. Бунга бутунлай барҳам бериш учун меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашимиз, бўш вақтни мазмунли ўтказишни тўғри ташкил этишимиз зарур.

Қ. ТУЛАГАНОВ,
Жарқўрғон темир-бетон буюмлари заводи бошланғич партия ташкилоти секретари.

Одамлар янгича фикрлаш, ижодкорлик ва новаторлик руҳи билан яшаётган ҳозирги вақтда касаба союз ташкилотларида ҳам вазият ўзгарган. Кейинги даврда касаба союзлари Хоразм область Совети социалистик мусобақага моҳирлик билан етакчилик қилиш, янгиликларни жорий этишда изчиллик, дадиллик кўрсатиш, меҳнаткашларга ғамхўрликни кучайтириш ва инсон омилини активлаштириш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширди. Ана шулардан бири чорвачилик фермаларида ишнинг икки сменада ташкил этилаётганидир.

Касаба союзлари область Совети президиуми область агросаноат комитети коллегияси билан ҳамкорликда чорвачилик фермаларида ишни икки сменада ташкил этиш тадбирларини ишлаб чиқди. Тадбирларни тайёрлаш ва қарор қабул қилишдан аввал янги методни жорий этиш соҳасида тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, фермалардаги реал шароит ҳисобга олинди, масаланинг илмий ва моддий жиҳатлари назарда тутилди.

Чорвачилик ходимлари ва мутахассисларидан бир гуруҳи Тошкент областининг Ғалаба ва Оржоникидзе районларида бўлиб, фермаларда ишни икки сменада ташкил этиш тажрибаси билан танишиб қайтдилар. Тармоқ касаба союз комитетлари фермаларда ўтказган семинарлар ана шу актуал масалага бағишланди.

Касаба союзлари область Совети ва агросаноат комитети чорвадорлар мусобақаси шартларини ишлаб чиқиб, ҳар бир кварталда иш натижаларини якунлашга қарор қилдилар. Ғолибларни мукофотлашга 1800 сўм пул,9 та диплом ва 36 та бепул туристик йўлланма ажратилди.

Ҳозирги вақтда областдаги 5 та хўжаликнинг суттовар фермаси икки сменада ишлашга ўтди. Шу йилнинг биринчи кварталы охиригача яна 15 ферма ана шу янги услубга ўтади.

Дастлабки тажрибалар ва иш якунлари меҳнатни икки сменада ташкил этишнинг ҳар томонлама афзаллигини тасдиқлади. Гурлан районидаги «Коммуна» колхози мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Колхоз касаба союз комитети раиси Б. Обидов, бош зоотехник З.Ортиқов билан суҳбатлашганимизда, янгиликни жорий этиш осон кўчмаганлигини, чорвадорларни сменали ишлашга ўргатишда муайян қийинчиликлар юз берганлигини эътироф қилишди.

Чорвадорларнинг меҳнат ва турмуш шароити ҳақида ғамхўрлик қилишга катта эътибор берилмоқда. «Чорвадорлар уйи» мебель, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, дам олиш хонасида радио тинглаш, телевизор кўриш, газета, журнал ўқиш мумкин. Хуллас бу ерда маданий ҳордик чиқариш учун керакли нарсалар муҳайё. Ошхона, савдо, маиш системасига эга. Механизмларнинг аниқ, бенуқсон ишлаши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

1987 йил, февраль № 1—2 (152)

ИҚТИСОД ҚИЛИШ ВА ТЕЖАМКОРЛИК — ҲАММАНИНГ ИШИ

Хива гилам комбинатида маҳсулотларнинг давлат қабулига ўтишга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Бу ерда амалга оширилаётган тадбирлар маҳсулот сифатини яхшилашга имкон беради. Қатор цехларда ускуналарни модернизация қилиш тугалланди.

СУРАТДА: иш вақтидан унумли фойдаланиб, смена топшириқларини зиёда бажараётган комсомол аъзоси, илғор ишчи Дурдона Худойберганова.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

Қайта қуриш — совет экономикасини ривожлантиришда интенсив омиллар ролини муттасил ошириб бориш, халқ хўжалигини бошқаришда демократик централизм ленинча принципларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ҳамма жойда бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий этиш, буйруқбозликдан ва маъмуриятчиликдан воз кечиш, экономика барча бўғинларининг тўла хўжалик ҳисоби принципларига ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги формаларига ўтишини таъминлаш, новаторлик ва социалистик омилкорликни бутун чоралар билан рағбатлантириш, демакдир.

(КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми материалларидан).

РЕЗЕРВЛАР ҲАРАКАТДА

ОҒИР ЮКЛИ ПОЕЗДЛАР

Марғилон локомотив депосининг меҳнат коллективлари ўтган йил планига қўшимча 705 миллион тоннадан зиёд халқ хўжалиги юкларини ташиб бердилар. Бу йиллик планга нисбатан қарийб 2,5 баравар кўп.

Ҳамиша оғир юкли составни бошқараман. Узоқ йиллар мобайнида Фарғона водийсидаги йўлларнинг паст-баландини яхши билиб олганман. Шу сабабли локомотивни бошқарганда йўлнинг қайси участкаларида ёнилғини қандай тежаш омилларини биламан. Ўтган йили тежаган ёнилғи ва бошқа ресурслар билан олтита оғир юкли поездни манзилга етказдим.

Депомиз машинистлари ўтган йили 44 тонна ёнилғи тежадилар. Бу билан локомотивларни уч сутка қўшимча ёнилғисиз ишлатишга муваффақ бўлинди. Машраб Маҳмудов, Виктор Поплавский, Юсуфжон Абдуллаев каби моҳир машинистлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам ютуқларга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг тадбиркорлиги туфайли ўтган йили депода 215 минг сўм маблағ иқтисод қилинди.

Бригадамиз машинистлари ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бутун куч ва резерварни ишга солиб, янги йилда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик план топшириқлари ва тежамкорлик учун кураш вазифаларини муваффақиятли бажариб бораверамиз.

М. САБАНИН,
Марғилон локомотив депоси машинистлар бригадаси бошлиғи.

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Наманган сут комбинати шаҳар билан бирга қишлоқни ҳам ўз маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Бунга чиқиндисиз технология катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Корхона ҳар сменада 50 тонна сут маҳсулоти ишлаб чиқаради. Унинг бир қисми болалар муассасаларига пешма-пеш жўнатилиб турибди.

Бу ерда маҳсулотларнинг ҳаммасини истеъмолга яроқли қилиб чиқариш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилди. Шунинг натижасида чиқиндилар ҳам исроф қилинаётгани йўқ.

Ёғи олинган, сифати бузилган сут маҳсулотларини нима қилиш керак? Уларни қайта ишласа, яна фойдаланса бўлади. Мутахассислар шундай хулосага келишди. Натижада ёғи олинган, сифати бузилган сут маҳсулотлари қайтадан ишланиб, бузоқлар учун тўйимли озуқа сифатида тайёрлаб чиқарилмоқда ва чорвачилик хўжаликларига жўнатилиб турибди.

Комбинат ишчи-мутахассислари чиқиндисиз технологиянинг янги резервларини излашда давом этяптилар.

Ф. ИУЛЧИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

ҲАР НАРСА ҲИСОБЛИ

Социалистик мулкни авайлаб асраш, хом ашё ва материаллар нобудгарчилигига қарши қатъий қурашиш — ҳар бир кишининг бурчи. Бу, айниқса, барча жабҳаларда қайта қуриш давом этаётган ҳозирги босқичда беқиёс аҳамият касб этади. Бинобарин, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларида катта меҳнат эвазига яратилган моддий бойликлардан тежамли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишдаги хўжасизлик, қўшиб ёзиш ва ўғирлик ҳолларига қарши кураш бугуннинг долзарб масаласи бўлиб турибди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз С. САЛИМОВ Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитетининг раиси В. А. ҲАМИДОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Вали Абдуҳоҳидович, нефтни биз ҳақли равишда «қора олтин» деб атаймиз. Уни қазиб олиш, қайта ишлаш ва таъминотчиларга етказиб бериш кўп харажат талаб қилмоқда. Ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамли фойдаланиш — нозиқ ва муҳим. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат шундай. Халқ хўжалигининг ёнилғи-мойлаш материалларига ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш — мураккаб масала. Бунда, аввало, нефть маҳсулотларининг ҳар бир томчисидан оқилона фойдаланиш муҳимдир. Бинобарин, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида ёнилғи, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжнинг 75—80 процента тежамкорлик ҳисобига қондирилиши, кўпгина корхоналар ва бирлашмаларда қўшимча ёнилғи-энергетика ресурсларини жалб қилмасдан ишлаб чиқаришнинг ўстирилишига эришиш таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети республика халқ хўжалигини нефть маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмасдан, улардан фойдаланишни ҳам назорат қилади. Ҳар йили бизга миллиард сўмлик катта бойлик ишониб топширилади. Жойларда нефть маҳсулотларидан тежамли фойдаланишни таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда шахсий эҳтиёжларга мўлжалланган нефть маҳсулотларининг талон-торож қилинишига, беҳуда сарфланишига қарши кураш олиб боришимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам моддий бойликларни ҳисобга олишда, ҳом ашё ва материалларни сарфлашда қатъий тартиб ўрнатиш, назоратсизлик, исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишини қатъият билан тугатиш, социалистик мулкнинг тўла сақланишини таъминлаш кўрсатиб ўтилди. Барча корхона-ташкилотлар, ҳамма колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу ишнинг ташкил этилиши ва натижалари учун бевосита жавобгардирлар. Министрликлар ва идоралар шу хусусдаги кўрсатмалар, тавсиянномалар билан таъминланган. Ўзбекистон ССР Давлат нефть инспекцияси ва унинг жойлардаги органлари нефть маҳсулотларининг сарфланиши, улардан фойдаланишни ва ишлатишни назорат қилиб бормоқдалар. Аниқланишича, қатор министрликлар, ташкилот ва идоралар ҳамон ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилмоқда, фонд интизомни кўпол бузилаётган жойлар бор. Ёнилғи-мойлаш материалларидан ўринсиз фойдаланиш ҳолларига дуч келиняпти.

— Камчиликларга йўл қўяётган шундай ташкилот ва идоралар ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу ҳолни бартараф этишда ҳали туб ўзгаришларга эришилгани йўқ. Қатор автомобиль хўжаликларида ўтган йили бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш, ёнилғи-мойлаш материалларини исроф қилиш ҳоллари ҳамон содир бўляпти. Республика Бинокорлик материаллари саноати, Мелиорация ва сув хўжалиги, Автомобиль транспорти министрликлари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, «Главсредазирсовхозстрой» ва бошқа қатор ташкилот ва идораларда автомобиль транспортининг иши қониқарсиз ташкил этилган. Натижада кўплаб ёнилғи ортиқча исроф бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигидаги баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида автомобилларни йўлга чиқариш республиканинг ўртача кўрсаткичидан 11,2 процент кам. Мазкур министрлик корхоналарида кунига ўртача 200—220 машина ишга чиқмаяпти. Монтаж ва махсус қурилиш ишлари, Геология, Алоқа, Маориф, Маданият министрликларида ҳам шундай аҳвол юз бермоқда. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигида 3,2 миллион тонна-километр, Қурилиш министрлигида 267 минг, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетида эса 273 минг тонна-километр қўшиб ёзилган. Назоратнинг бўшаштириб юборилганлиги оқибатида Автомобиль транспорти министрлигида ўтган йили қўшиб ёзилган иш ҳажми 6,3 миллион тонна-километрни ташкил этди.

Ташкилотларга қарашли кичик автохўжаликларни тугатиш соҳасидаги ишлар сust бормоқда. Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Социал таъминот министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети кичик автобазаларни йириклаштириш ишига панжа орасидан қарамоқдалар. Ваҳолонки, кичик хўжаликларда автомобилларнинг иш умумдорлиги бошқаларга нисбатан 4—5 баравар паст, ишлар таннархи эса 3—4 баравар қимматга тушмоқда.

Бензин ва мотор ёнилғиси сарфини нормалаш бўйича бажарилаётган ишлар ҳам шу кун талабига жавоб бермайди. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, ўтган йили аксарият министрлик ва идоралар бензин тежаш бўйича белгиланган топшириқни бажармаганлар. Дизель ёнилғиси иқтисод қилиш юзасидан эришилган натижа ундан ҳам паст.

— Бу камчиликларнинг содир бўлиши сабаблари нимада?

— Эътибор этишимиз керакки, аксарият раҳбарлар онгида «ресурслар етарли, давлат таъминлайди, иш тўхтаб қолармиди» қабилидаги «хотамтойлик» кайфияти ўрнашиб қолган. Очиғини айтганда, бундай раҳбарлар ҳали қайта қуриш моҳиятини тўла маънода тушуниб етганларича йўқ. Рўй бераётган камчиликларнинг асосий сабабларидан бири министрликлар ва идоралар ўз қарамоғидаги корхоналар ҳамда ташкилотларда назоратни бўшаштириб юборганидир.

Ёнилғи сарфининг табақалаштирилган нормаларини ва нефть маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш топшириқларини ниҳоятда кечикиб, орадан икки-уч ой, ҳатто ярим йил ўтгандан кейин етказиб бериш ҳоллари аниқланди. Автомобиль транспорти, Қурилиш министрликлари, Давлат агросаноат комитетида ана шундай камчиликлар содир бўляпти. Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлигининг текширилган 16 та корхонасида, Соғлиқни сақлаш министрлигининг 8 ташкилотида, Қурилиш министрлигининг 9 корхонасида ва 62 та қишлоқ хўжалик ташкилотида нефть маҳсулотларидан тежамли фойдаланишнинг оқибатида бу ташкилотларга 225,7 минг сўм жарима солинди ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш 400 тоннага камайтирилди.

Баъзи ҳолларда область хўжаликлари раҳбарлари турли йўллар, баҳоналар билан қўшимча ёнилғи олишга ҳаракат қилишади. Аслида эса хўжаликда ёнилғидан тежамли фойдаланишнинг қўшимча резервлари ва имкониятлари етарли бўлади.

Маълумки, ҳар қандай хўжасизлик, исрофгарчилик жазосиз қолмайди. Ёнилғи исрофгарчилигига йўл қўйилаётганлиги ҳақида инспекция ходимлари томонидан мунтазам равишда протокол тузилиб, ички ишлар органларига берилмоқда. Нефть маҳсулотлари ортиқча сарфланганлиги учун ташкилотларга 6,5 миллион сўмдан зиёд, бошқа мақсадларга ишлатилганлиги учун эса 1 миллион 264 минг сўм жарима солинди, уларга нефть маҳсулотлари етказиб бериш қарийб 400 тоннага камайтирилди. Ўтган йили 152 та текшириш натижалари партия ва совет органларига, 133 таси халқ контроли органларига, 38 та иш прокуратурага берилди.

— Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети системасида ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишдаги аҳволни яхшилаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам бизнинг системамизда таъминот ва ёнилғи ишлатилишини назорат қилишни тубдан яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиниши зарур. Жиззах, Бухоро, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон автоном республикаси бошқармаларида нефть маҳсулотларининг камомади аниқланди. Нефть базалари бухгалтерлари кундалик ҳисоботларни қабул қилишда назоратни бўшаштириб юборишгани маълум бўлди. Масъулиятсизлик оқибатида Бухоро, Самарқанд ва Жиззахдаги Багор нефть базаларида, автомобилларга бензин қуйиш станцияларида турли қинғир ишларга йўл қўйилган.

Фонд, молия интизомини бузиш, ҳатто ишлаб чиқариш кўрсаткичларини расмийлаштиришда кўзбўямачилик рўй бераётгани аниқланди. Масалан, Қашқадарё область бошқармаси раҳбарлари сўнгги уч йил мобайнида мунтазам равишда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириб кўрсатишган ва қонунга хилоф равишда мукофотлар олишган. Яқинда бошқарманинг молия-хўжалик фаолиятини ревизия қилиш ниҳоясига етказилди. Айбдорларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилди. Давлат ва меҳнаткашлар ҳисобига бойлик орттиришга ружу қўйган нопок шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатига барҳам бериш учун ички ишлар органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш талаб этилади.

Системамизга қарашли нефть базаларида, автомобилларга бензин қуйиш станцияларида, омборларда, шунингдек халқ хўжалигининг турли корхоналарида паст сортли ёнилғини юқори сортли бензинга аралаштириш ва юқори нархда сотиш ҳоллари қаттиқ рўй беряпти. Бу автотранспорт ишига салбий таъсир кўрсатади ва агрегаталарнинг муддатидан илгари ишдан чиқишига олиб келади.

Ишимизда йўл қўйилаётган бу ва шунга ўхшаш бошқа нуқсонлар ҳақида коллегия мажлисларида батафсил гаплашиб олинмоқда. Биз республика прокуратураси ва Ички ишлар министрлиги ходимлари билан биргаликда аниқланган нуқсонлар ва уларни тугатиш йўллари борасидаги ишимизни мувофиқлаштириб боряпмиз.

Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши халқ хўжалигида ёнилғи-мойлаш материалларидан самарали фойдаланиш, хўжасизликка, давлат интизомини бузиш ҳолларига чек қўйиш имконини беради.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ

Ишга ижодий муносабат

Ишга ижодий муносабатда бўлиш ҳар бир кишига катта имкониятлар очиб беради, резерварни ишга солишга йўл очилади. Бундан ишчи ҳам, мутахассис ҳам манфаат кўради.

Коммунист В. Церингнинг Оҳангарон газ тўлдириш станциясига ишга келганига қарийб 20 йил бўлди. Шу давр ичида слесарликдан станция бошлиғи даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Айни пайтда у хўжалик раҳбарлиги ишлари билангина ўралашиб қолаётгани йўқ, рационализаторлар ижодий бригадасига ҳам етакчилик қилмоқда.

— Станция бошлиғи бўлиб ишлаш ниҳоятда масъулиятли иш, — дейди В. Церинг. — Бу ерда ўзинг ва бригада учун жавоб бериш билан бирга, катта коллективнинг кўплаб муаммоларини ҳал этиш, уни жипслаштириш ва олдинда турган мураккаб вазифаларни ҳал этишга сафарбар қила олиш ҳам керак бўлади.

Шундай бўлса-да, у ижодий иш қилишга вақт топаяпти. Рационализаторлик ишлари билан фаол шуғулланмоқда. Натижалар эса чакки эмас.

В. Церинг иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга оид рационализаторлик таклифлари устида қунт билан изланмоқда. Ўз фаолияти давомида у 25 дан ортиқ таклиф киритди. Уларнинг аксарияти меҳнат унумдорлигини оширишга, техника хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Бу рационализаторлик таклифларини қўлланиш газ тўлдириш станциясида унумдорликни 4—5 марта ошириш имконини берди. Ишлаб чиқариш қувватларини 3 минг тоннадан 21 минг тоннагача оширишни таъминлади. Таклифларнинг йиллик иқтисодий самараси 250000 сўмни ташкил этмоқда.

Станция коллективи ўтган йил планини муддатидан илгари бажариб, Улуғ Октябрь 70 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бунда мутахассис В. Церинг бошчилик қилаётган рационализаторлар бригадаси аъзолари ҳам ижодкорликда алоҳида ғайрат кўрсатишяпти.

Ў. МИРАЛИМОВ,
«Ташоблгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими.

Ажаб савдолар

ЙИРТИҚ ҚОПДАГИ ХИМИКАТ

Халқимизда шундай нақл бор: «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилур». Мабодо бу дардга хўжалик, корхона ёки ташкилот раҳбарлари мубтало бўлишса-чи? У ҳолда... Келинг, буни Жомбой районидаги «Правда» колхози мисолида кўрайлик. Негаки, бу борада ушбу хўжалик раҳбарлари ўзига хос «тажриба» тўплашган. Фактларга мурожаат этайлик: 1985 йил баҳорида хўжаликда минерал ва маҳаллий ўғитлар кўплаб исроф қилингани, уруғлик чигитни экишга тайёрлаш кечиктириб юборилгани сабабли бош агроном Э. Кўчқоров район халқ контроли комитети томонидан жазоланган эди. 1986 йил январь ойида яна минерал ўғитларни сақлаш ва фойдаланишга хўжасизларча муносабатда бўлингани учун унга пул начети солинди.

Мана энди хўжаликдаги бугуғи аҳволга бир назар ташлайлик-чи? Колхоздаги минерал ўғитлар сақланадиган омборнинг ҳамма томони очиқ-сочиқ. Бу ерда икки тоннага яқин 1 минг 100 сўмлик минерал ўғитлар тупроққа қоришиб ётибди. Бундан ташқари 3 тоннадан зиёд 5 минг сўмлик заҳарли химикатлар омборда йиртиқ қопларда сақланмоқда. Улардан ҳам экиш мавсумигача фойдаланиш мумкин бўлмай қолади. Ҳозирнинг ўзидаёқ уларнинг ярмидан кўпи ерга сочилиб яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Умуман хўжаликда ҳаммаси бўлиб 9,8 минг сўмлик минерал ўғитларни сақлаш тартиб-қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Бу — хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик кайфияти оқибатида меҳнаткашлар ҳамёнига келтираётган иқтисодий зарарй. Бироқ бунинг яна бошқа томони ҳам бор. Бундай хўжасизларча муносабат сабабли ушбу химикатлар атроф муҳитни булғамоқда. Очиқ ётган химикатлар ва яроқсиз ҳолга келган заҳарли дориларнинг идишлари ўз вақтида аҳоли яшаш жойларидан чиқариб ташланмаяпти. Бунинг устига уларни ҳисоб-китоб қиладиган киши йўқ. Масалан, омборда 58 та ана шундай пакет қоплар узоқ вақтдан бери сақланмоқда. Айрим заҳарли химикатлар эса очиқ жойларда сочилиб ётибди. Ичимлик сув оқиб турган каналдан заҳарли нитрофан дорининг тўртта тозаланмаган банкаси олинганлигини қандай тушуниш мумкин? Юқорида айтилганидек, бу меҳнаткашларга келтирилаётган зарарнинг иккинчи томони. Аммо буни хўжалик ҳисобидан кетаётган минглаб сўмлар эвазига ҳам қоплаб бўлмайди.

Шу ерда ҳақли савол туғилади. Нега қишлоқ хўжалигини химиялаштириш район бошқармаси ва ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси бундай камчилик ва нуқсонлар билан муроса қилиб келмоқда? Қолаверса, юқоридаги камчиликлар илдизи шу ерда эмасмикан? Маълум бўлишича, ҳақиқатан ҳам район «Райсельхозхимия» бошқармасида хўжаликларга минерал ўғитлар тақсимлашда қўпол хатоликларга йўл қўйилмоқда. Хўжаликларга қанча химикатлар юбориш графиги ишлаб чиқилмаган. Оқибатда айрим колхоз ва совхозларда керагидан ортиқча минерал маҳсулотлар юборилмоқда. Ҳозир ҳам хўжаликлардан ортиб қолган 7 тоннадан зиёд ана шундай маҳсулотларга хўжасизларча муносабатда бўлинмоқда.

Район санитария-эпидемиология станцияси хўжаликларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш юзасидан ўз вазифасини бажармаяпти. Текширишлар номигагина, юзаки ўтказилаётир. Амалда эса хўжалик раҳбарларидан зарарли химикатларни ишлатиш ва сақлаш чора-тадбирларини кўришни қатъий талаб этмаяпти. Хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги эса меҳнаткаллаларга ҳам маънавий, ҳам иқтисодий зарар келтираётир. Бу камчиликлар тўғрисида маҳаллий Советлар ва район партия комитетлари ҳам жиддий ўйлаб кўришлари керак.

А. ВАҲОБОВ.

АНТИҚА БЕЛЛАШУВ

Хоразм областининг дон маҳсулотлари бошқармаси ва Урганч умумий овқатланиш трестига қарашли корхоналарда антиқа беллашув авж олди. Унинг тартиби ҳам ўзига хос: дон ва дон маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланишда тескари рекорд ўрнатишдан иборат. Беллашувда ҳозирча мусобақадош Шовот, Хазорасп дон қабул қилиш корхоналари ва Боғот дон маҳсулотлари комбинати коллективлари олдинда боришмоқда. Бунинг ончалик сирли жойи йўқ. Негаки, улар иш усул ва услублари, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда ҳам бир-биридан қолишмайди.

Шовот дон қабул қилиш корхонаси директори ўтган йили дабдурустдан С. Эшчоновни омбор мудири этиб тайинлади. С. Эшчонов эса илгари ҳам шу корхонада омбор мудири вазифасида ишлаб катта хатога йўл қўйганлиги оқибатида корхонага 39420 сўм зарар келтиргани учун ишдан бўшатилиб, жазоланган эди. Аммо, директор бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмади. Хазорасп дон қабул қилиш корхонаси омбор мудири Қ. Абдиевнинг ҳам таржимаи ҳоли шунга ўхшаш. У ҳам анча йиллар илгари хизмат вазифасини суистеъмол қилганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилган эди. Бундан хулоса чиқармаган корхона раҳбарлари ҳозирда ҳам унинг омбор мудири вазифасида ишлашига ҳомийлик қилиб келишмоқда.

Энг ачинарлиси — бу кишилар мутасадди бўлган жойларда ишнинг ҳозирги аҳволи ҳам яхши эмас. Дон ва дон маҳсулотларини сортларга ажратишда чалкашликлар давом этяпти. Омборхоналарда тартиб ўрнатилмаган, маҳсулотларни сақлаш ва истеъмолчиларга юбориш графикларига риоя этилмаяпти. Омборхона эшиклари ёпилмайди, деразалари шу пайтгача ойналанмаган. Омборхона томидан ўтаётган чакка маҳсулот сифатига катта зарар етказмоқда. Дон маҳсулотларини қоплаш ва юклаш пайтларида кўплаб исроф қилинмоқда.

Боғот дон маҳсулотлари комбинати раҳбарлари ўз мусобақадошларидан қолишмаяпти. Бу ерда кўплаб қопланган унлар очиқ ҳавода, устига брезент ташланган ҳолда сақланмоқда. Уларнинг остки қисмидаги ун қоплари намир бўлиб қолган. Бундан ташқари корхонада қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик фактлари шу пайтгача тугатилмагани, айниқса ташвишланарли. Масалан, В. Арметова комбинатда ишламаса ҳам транспортер катта инспектори вазифасида ишлади, деб унинг номига 1082 сўм иш ҳақи ёзилган. Аслида В. Арметова Чоржўй станциясида навбатчи ёрдамчиси бўлиб ишлайди.

Буни қарангки, Шовот дон қабул қилиш корхонаси раҳбарларида ҳам бундай услуб бор экан. Улар ҳам дурадгор Матназаров номига қилинмаган ишлар учун 945 сўм ҳақ ёзишган. Бундай бирбирига ўхшаш «тажриба»ларни ушбу корхоналарнинг бошқа фаолиятларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Боғот дон маҳсулотлари комбинати қошидаги ёрдамчи хўжалик ишчиларига қонунга хилоф тарзда 1195 сўм мукофот пули тарқатилган бўлса, Хазорасп дон қабул қилиш корхонасидаги ёрдамчи хўжалик ишчиларига ҳам худди шу йўл билан 271 сўм мукофот пули берилган.

Мана сизга антиқа беллашув иштирокчиларининг фаолиятидан айрим кўринишлар. Энди мусобақадош корхоналарнинг ўзига хос бу рекордларини Шовот, Хазорасп, Боғот район партия комитетлари қандай баҳолашаркин?!

А. МАДАТОВ.

• *Тақриз*

ИФТИХОР

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоир Эркин Воҳидовнинг икки жилдлик «Сайланма»сини босмадан чиқарди. «Сайланма»ни маълум маънода таниқли шоиримизнинг халқ олдидаги, давр, замон олдидаги сарҳисоби дейиш мумкин. Агар шоирнинг илк шеъри «Лагерда тонг отди» 1951 йилда босилган бўлса, «Сайланма»да шу ўтган йиллар орасида шоирнинг изланишлари, кашфиётлари, қисқаси камолот йўллари ўз аксини топган.

Эркин Воҳидов шеърияти бугунги ўзбек адабиётида ноёб ҳодиса. Унинг шеърияти халқ қалбига чуқур кириб борди. Эҳтимол бунга сабаб шоирнинг шеъриятга катта муҳаббат ва чуқур эътиқод билан ёндашиб, уни инсониятнинг бахт-саодати учун кураш қуролига айлантиришидир. Эҳтимол, халқимизнинг коммунистик қурилиш ғалабаларидан қалбида туғилган буюк ифтихор туйғусини эҳтирос билан ифодалашидир. Эҳтимол, шоирдаги она-Ватанни кўз қорачиғидек асраш ва унинг баркамол бўлишига ҳалақит бераётган иллатларга қарши кескин кураш туйғусидир. Эҳтимол ундаги ота-боболар руҳига, халқнинг орзу-армонлари йўлида жонини фидо қилган революционерлар анъанасига садоқатдир, ўшалардек имон-эътиқоди бутлигидир. Ҳозир ҳаётимиздаги социал зиддиятларни, инсониятнинг тақдири, эртаси хусусида, инсон умрининг мазмуни, вақтнинг қадри, яшаш сири хусусидаги фалсафий ўй-мушоҳаларимикан?

Доноликдан, ҳазил-мутойибага, ҳажвга мойиллик халқнинг маънавий бойлик белгисидир. Эркин Воҳидов шу хазинадан кўп баҳраманд бўлганлиги туфайли унинг шеъриятида ҳазил-мутойиба, чиройли, ширин юмор, нозик кесатиш ва қочириқлар, кескин сатирик бўёқлар фаол қатнашади. Айниқса унинг шеърларидаги мусиқийлик, соддалик, самимийлик, жўшқинлик, ҳаққонийлик китобхон қалбини асир қилади. Буларнинг барчаси Эркин Воҳидовнинг шеърият вазифасини, ўзининг гражданлик бурчини, замон, халқ олдидаги масъулиятини теран тушунишидан келиб чиқди. У «олов бўлиб» халқ қалбини иситишни бош орзу-армони деб билди. Шеъриятда «бутун оламнинг шавқ-дарди мужассам» руҳи»лá ҳақ жангга киришга чорлайди.

Шоирнинг доҳиймиз В. И. Ленин ҳақидаги «Буюк ҳаёт тонгги», «Чароғбон» поэмаларида халқ, инсоният тақдири учун фидойилик туйғусини эҳтирос билан ифодалайди. Оталар руҳига садоқат ва революцион анъаналарга ворислик руҳи, катта мақсадлар учун кураш руҳи шоирнинг «Нидо» поэмасида баланд жаранглайди.

«Нидо»да халқнинг кураш йўли баҳонасида ўзининг ҳам шу халқ тақдирига жипс боғланиб кетган ҳаётини ҳам тасвирлаб кетади. Шоир «дунёда энг қутлуғ эътиқод учун» фидойиларча жанг қилиб қурбон бўлган отаси баҳонасида тарихнинг сабоқли нуқталари, халқнинг жасорати, фарзандининг ота ҳажридаги изтироблари ва унинг «мардлик мактаби»дан олган таълими, улар руҳига садоқатининг намойишини ифодалайди. Ота ва уруш ҳақидаги ўй хозирги қалтис замон — «ташвишли дунё, сермашақат олам» ҳақидаги баҳсга айланади, фарзанд шу оламнинг ўз «елкасида қолганини» чуқур ҳис этади ва «она тупроқни бу дунёнинг жаннатига» айлантиришга қасамёд қилади. Шоир поэмаларида, шеърларида таҳликали олам юраги уриб туради: «Қайтмасин у кунлар даҳшати, тенгдошим, уйғоқ бўл, хушёр боқ оламга!» — дейди.

Шу туйғу ва кенг фикрлаш фазилати Эркин Воҳидовнинг «Қуёш маскани» поэмасида ҳам мавжуд. Бу поэмани шоирнинг эътиқоди, имони, ижодий нияти, устозлари, қисқаси ўзи ва замони ҳақидаги ўй-мушоҳадалари дейиш мумкин. Поэма остига «Останкино минорасидаги ўйлар» деб ёзиб қўйиш ҳам бежиз эмас.

Эркин Воҳидов фантазияси кенг, сурурли шоир. Шунинг учун катта вақт доирасида —ўтмиш, бугун ва келажак миқёсида хаёл отига миниб, замонлар ва фазолар, буржлар бўйлаб парвоз қилади. «Бутун коинотни кўрмоқда кўзим» жумласи шунчаки шоирона ибора эмас, балки тафаккур нигоҳининг конкрет йўналишидир.

Оталар фазилати шоирнинг «қонига сингган», улардек «эл учун фидо». Ахир у Навоий ва Пушкинлардан («Йўлимни ёритди шу икки маёқ»), Фузулий ва Гёте, Маяковский ва Есенинлардан таълим олди, шулар кўзи орқали «элини билди» ҳаётни ўрганди. «Ватан меҳри» туғилди. Шоир Ўзбекистонни имон ва виждон билан севади, шарафлайди. Эркин Воҳидов шеъриятида классик шеъриятимизга хос муболағали, кўтаринки фикрлаш ва ёрқин бўёқ мавжуд. У «мен юртимни ёсам бўлмоғи керак осмон оқ қоғозу денгиз сиёҳдон», дейди.

Шоир поэмада «Нимадан бошланар Ватан?» деган саволга жавоб излайди, баҳс қилади. Шоир «Муҳаббат қўёлгай қайси маъвога ўз юрти қадрини билмаган одам», «Она муҳаббатини билмаган одам содиқ бўлолгайми дўстга ҳеч қачон?» деган ҳақ гапни айтади. Лекин бу ҳали тўлиқ жавоб эмас. Бир халқ иккинчи халқнинг бахт-саодати учун ҳам курашади, демак, фақатгина «Киндик қонинг теккан ер Ватан» саналмас экан, қалб қони томган заминни ҳам диёр»га киритиш керак. «Замину замонда ягона бўлган» кенг, кўп миллатли совет мамлакатимизни «Эрк, Тенглик, Саодат, Дўстлик Ватани» деб ҳисоблайди. Бошқа бир шеърида ҳам «Амудан то Челюскингача менга мерос қолдирди, Ватан», деб ғурурланади. Бора-бора шоир она заминни инсоният Ватани, «киприкдаги ёш каби титраб турибди», уни авайлайлик, дейди. Шоир поэма ва шеърларида фаол гуманист ва интернационалист сифатида кўринади. Маяковскийча ҳужумкорлик билан ёзилган «Бонг уринг» номли сиёсий шеърида ҳам прогрессив инсониятни «ёнаётган дунёни» сақлаб қолишга — «ёнғиннинг йўлига ғов қўйиш»га чақиради.

«Палаткада ёзилган достон» 1966 йил 26 апрелдаги Тошкент зилзиласига бағишлаб, тезкорлик билан ёзилган. Бу асарда шоир талантининг янги қирралари намоён бўлган. Одамларнинг зилзила келтирган кулфатга ва шу зилзила туфайли келиб чиққан ҳолатга муносабатини кўрсатиш орқали уларнинг маънавий дунёси, содда қилиб айтганда қандай одамлигини ёритади: минбарларда «жоним халқимга фидо бўлсин» деб юриб, зилзиланинг биринчи куниданоқ ўз оромини ўйлаб қочиб қолган сохта халқпарварларни ҳам ёки зилзила баҳонасида бойишни ўйлаганларни ҳам, Улуғ Ватан уруши йили Тошкентда бошпана, ота-она топиб, кейин Украинага кетган Любовь Тимченконинг тошкентликларга ёрдамга келиши ёки тўртинчи синф ўқувчиси ўшлик Дилоромнинг атлас кўйлакка йиғиб юрган беш сўм пулини Тошкентни қайта қуришга юборишини, хуллас жиддий, муҳим, ибратли воқеа-деталларни келтиради. Янгидан қурилган Тошкентни «буюк дўстликнинг ҳайкали» тарзида мадҳ этади.

«Руҳлар исёни» поэмасида шоирнинг, ёзувчининг гражданлиқ бурчи, замон, халқ, кишилик тарихи ва келажак олдидаги масъулияти ҳақидаги, инсониятнинг юксак идеаллари учун ўзини фидо қилган улуғ сиймолар, революционерлар тўғрисидаги асардир. Зотан поэмадаги ҳинд халқининг исёнкор шоири Назрул Ислом образи замирида жаҳолат ва турғунлик, зулм ва реакция, адолатсизлик ва ваҳшийлик билан курашган Навоий ва Насимий, Машраб ва Шевченко, Пушкин ва Лермонтов, Ҳамза ва Маяковский, М. Жалил ва П. Нерудалар тақдири ётгандай. Асарда бундай улуғ шахслардан кўпларининг номи тилга олиниб; уларнинг барчаси «эркка сажда қилдилар», дейди шоир. Улар асарларидаги эркинлик, инсонийлик, адолат ва исёнкор руҳ Назрул Исломнинг руҳига туташдир.

«Руҳлар исёни»да Назрул Исломнинг фожиали тақдири ҳаққоний тасвирланади, бироқ шоир заррача бўлса-да мунгли оҳангга йўл бермайди, аксинча мардона, сурурли, курашчанлик руҳи поэманинг қон-қонига сингдириб юборилади. Поэмада шоир «Эътиқодсиз яшамоқдан ортиқ ерда гуноҳ йўқ», дейди. Кейинроқ ёзган «Максим Горький билан суҳбат» шеърида эътиқод масаласини махсус бадиий таҳлил этади.

Эркин Воҳидов кейинги ўн йиллар орасида ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий мавзуда ўнлаб етук шеърлар яратди. «Кардиограмма», «Ўзбекистон», «Тирик сайёралар», «Бизлар ишлаяпмиз», «Манфаат фалсафаси», «Ўзбекистон коммунистлари», «Доктор хонасида...» каби асарлари шулар жумласидандир. Эркин Воҳидов ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ғазалчиликнинг ривожига катта улуш қўшди. Унинг мусиқий, шўх, сабоқли, ибратли мазмундаги ғазаллари халқ орасида кенг тарқалди. Шунингдек, адибнинг «Олтин девор» комедияси, «Дониш қишлоқ латифалари», «Соф ҳавонинг фойдаси», «Эзма чоллар», «Ҳозирги ёшлар» каби нозик қочириқли, ҳазил йўналишидаги шеърлари халқнинг унга бўлган муҳаббати, эътиқодини, ифтихор туйғусини оширди. У Гётенинг «Фауст»ини, Есенининг «Форс тароналари»ни ўзбек халқининг мулкига айлантирди. Шунинг учун ҳам у ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг фахрига айланди.

С. МАМАЖОНОВ.
филология фанлари доктори, профессор.

• *Спорт*

КУРАШ:

МУНОСИБ ҲИССА

Грузия пойтахтида эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнир якунланди. Мусобақада республикамиз полвонларидан ака-ука Махарбек ва Аслан Хадарцевлар қатнашдилар. Вазни 130 килограммли полвонлар сафида беллашган жаҳон чемпиони Аслан Хадарцев ажойиб ғалабага эришиб СССР терма командаси муваффақиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

ГФРнинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада донецклик жаҳон рекордчиси Сергей Бубка лангар билан сакрашда 5 метр 85 сантимерли маррани эгаллаб, ғолиблик супасига кўтарилди. Фрунзелик жаҳон рекордчиси И. Паклин билан ГФР спортчиси К. Трейнхардт баландга сакрашда 230 сантиметрли натижа билан фахрли ўринларни эгаллашди.

ФУТБОЛ:

МАВСУМОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Фарғонада «Нефтяник» спорт клубининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган мавсумолди турнири кеча «Пахтакор» ва Душанбанинг «Помир» коллективлари учрашуви билан якунланди. «Пахтакор» унгача «Кузбасс» (2:0) ва «Нефтяник» (1:0) коллективларидан устун келган эди. Учрашувлар мавсумга тайёргарликда муҳим аҳамият касб этмоқда.

●

ТОШКЕНТ. Г. Титов номли ихтисослаштирилган спорт-интернат мактабида бир йўла учта спорт зали фойдаланишга топширилди. Талабалар гимнастика, қиличбозлик, енгил атлетика, кураш бўйича машғулотлар ўтказиш учун қулайликларга эга бўлишди.

Суратда: қиличбозлик бўлими раҳбари, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Юрий Зрюмов ёшлар даврасида.

А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Турист

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

КАВКАЗ БЎЙЛАБ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Катта Кавказ тоғ ёнбағрининг Ставрополь ўлкаси жанубида жойлашган Кавказ Минерал сувлари районини — табиатнинг сахий инъоми деб аташ жоиздир. Бу ерда табиатнинг ғоят бебаҳо хазиналари — бир умр хотирада қоладиган гўзал тоғ манзаралари тик қоялар, тоғ сўқмоқлар, даралар, тошдан-тошга урилиб оқа ётган дарё сувлари, шаршаралар, Альп ўтлоқлари ва энг асосийси шифобахш булоқлар жойлашган.

ПЯТИГОРСК — энг аввало Лермонтов шаҳри сифатида туристлар эътиборини тортади. Бу ерда М. Ю. Лермонтов давлат қўриқхона музейининг маркази—«Лермонтов уйи» жойлашган. Пятигорск шаҳри атрофининг гўзал манзаралари такрорланмасдир. Шаҳарни улуғвор, бири-биридан тамоман фарқ қилувчи ўн етти нафар тоғ қуршаб туради.

Пятигорск меҳмонларига таклиф этиладиган экскурсиялардан бирининг номи — «Машук —илҳом париси» деб аталади. Экскурсия маршрутларидан бири Пятигорскнинг қаҳрамонона ўтмишига бағишланган. Экскурсия вақтида сиз кўпдан-кўп тарихий революцион жойларни ва хотира ёдгорликларини бориб кўрасиз.

Пятигорск — саноати ривожланган, замонавий, юксак даражадаги фан ва маданият шаҳридир. Ўлкашунослик курорт музейи, музикали комедия театрининг довруғи кетган.

Пятигорскда маиший ва маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилганини алоҳида мамнуният билан қайд этиш лозим. Пятигорск яқинидаги сув омбори соҳилида «Озерний» туристик комплекси жойлашган.

Сафарга — 8—22 майгача бўлган муддатда жўналади. Путёвка баҳоси — 228 сўм.

Самолётда бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати харажатлари путёвка қийматига киради.

АДРЕС: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй. Телефон: 39-13-12.

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

Политехникумга киришни хоҳловчи 8—10-синф ҳажмида маълумотлиларни ҳамда ўрта мактабларнинг 8—10-синф ўқувчиларини

6 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ҳафтада уч марта душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 18.30 дан 22.00 гача ўзбек ва рус тилларида математика, она тили ва адабиёт фани бўйича ўтказилади.

Аризалар 28 февралгача қабул қилинади.

Ўқиш учун 30 сўм ҳақ тўланади.

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

Телевизион техника ва радиореле алоқаси, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автоматик электр алоқа, кўп каналли электр алоқа, телеграф алоқаси ва ахборотларни узатиш, почта алоқаси, бухгалтерия ҳисоби (сиртқи бўлимда), **алоқа линия-кабель иншоотлари.**

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (10-троллейбус, 44, 48, 97-автобусларнинг «Лабзак», 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекатлари тел: 41-35-04.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудирлари: ўта хавфли инфекциялар, микробиология ва иммунология (фан доктори);

лаборатория мудири: юқумли касалликларнинг микробиологик диагностикаси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар конкурс ҳақидаги низомга кўра қуйидаги адресга юборилади: 700133, Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 42-32-22, 42-32-15.

●

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги

инвалидларнинг меҳнат қобилиятини экспертиза этиш ва тиклаш республика илмий-тадқиқот институти бўлимлар бўйича

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Врачлик-меҳнат экспертизаси бўлими раҳбари ва кичик илмий ходимлари.

қишлоқ хўжалигида инвалидларни ишга жойлаштириш бўлимининг катта ва кичик илмий ходимлари;

клиник-экспертиза (2 ўрин), **меҳнат қобилиятини тиклаш ва тадқиқотларнинг функционал методлари бўлимига кичик илмий ходимлар.**

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Адрес: 700052, Тошкент шаҳри, Механика кўчаси, 5-«а» уй.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да **Курорт**, 5/II да **Келинлар қўзғолони**, 6/II да **Бахтли ғаолар.**

●

ДОИМИЙ ИШГА

сатр териш машинасида ишловчи малакали линотипчилар

КЕРАК

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади, оилали кишилар (2-3 йил мобайнида квартира олиш шарти билан) **ётоқхона билан таъминланадилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими. Телефон 33-80-83.

Ўзбекистон Театр жамияти правленеси Ўзбекистон ССР халқ артисти

Марям ЕҚУБОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1932 йилдан КПСС аъзоси

Мирходи МАҲКАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги коллективи капитал қурилиш бош бошқармасининг етакчи инженери А. И. Усмоновга отаси

Исроил УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МАҚОМ ТАРОНАЛАРИ

2 февраль куни М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида ёш музикачилар халқ байрамларида янграган қадимги музика тароналарини ижро этишди. Бу ерда мақомчиларнинг иккинчи республика конкурси очилди.

Меҳнат ва жонажон диёр гўзаллигини, севги ва дўстликни, ёшлик орзулари ва ҳарбий жасоратни тараннум этувчи бу халқ музикаси оҳанглари Ўзбекистон пойтахтининг энг катта концерт залларида ўн кун давомида янграб туради. Етмишга яқин ёш музикачи ғижжак ва доира, рубоб ва дўмбирада куй ижро этиш санъатини намойиш қилади.

Дастлабки концертда бундан тўрт йил олдин ўтказилган биринчи республика конкурси лауреатлари — профессионал артистлар ижро этган мақом тароналари катта музика байрамининг мукаддимаси бўлди. Қадимий санъат анъаналарини давом эттириш эстафетасини улардан қабул қилиб олган тожикистонлик мақомчилар ҳам бу йилги конкурсда иштирок этишмоқда.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

САНЪАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Республика хореография ансамбларининг солистлари ўз устозлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Исахор Оқилов 70 ёшга тўлган кунда унга Ер юзи халқларининг рақсларидан ташкил топган байрам концертини туҳфа этдилар. Бу воқеага бағишланган тантанали кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида бўлиб ўтди.

«У ўз ҳаётини санъатга бағишлади», — ўз дўстининг ижодий йўли ҳақида СССР халқ артисти И. Моисеев шундай деган эди. Исахор Оқиловнинг хореографияси В. Успенский ва Р. Глиэр, М. Ашрафий ва Т. Содиқов, М. Бурҳонов ва Ю. Ражабий ижоди билан чамбарчас боғлангандир. Чўлқуварлар, Катта Фарғона канали қурувчилари, Улуғ Ватан уруши жангчилари унинг санъатини олқишлаган эдилар.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг бош балетмейстери бўлган Исахор Оқилов юзлаб рақсларни саҳнага қўйди. Унинг шогирдлари эндиликда Ўзбекистоннинг барча профессионал коллективларида меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг санъати чет элларда ҳам машҳур бўлиб кетган. Исахор Оқилов ўзининг маҳорат сирларини раққоса ва созанда бўлиб етишган фарзандларига ҳам ўргатди. Ҳозирги кунда ўз истеъдоди билан томошабинларни мамнун этаётган санъаткор Оқиловлар сулоласининг меҳнат стажи 200 йилга етай деб қолди.

Юбилярни унинг дўстлари — профессионал театрларнинг артистлари, Ўзбекистон ижодий союзларининг вакиллари, қардош республикалардан келган меҳмонлар қизғин қутладилар.

(ЎзТАГ).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида босмадан чиқарди:

Х. Масудов, И. Абдуғаниев, А. Хисамов. Умумий ер билимидан лаборатория машғулотлари. 176 бет. Баҳоси 55 тийин.

Қўлланмада Коинот ва Ер ҳақидаги умумий маълумотлар, атмосфера ва ер иқлимлари, гидросфера, литосфера юзасининг рельефи, биосфера, географик қобиқ, географик муҳит ва кишилик жамияти, география ривожланишидаги асосий босқичларга доир лаборатория машғулотлари берилган.

Ҳ. З. Расулов, И. О. Одилов. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар. 304 бет. 95 тийин.

Дарсликда грунтларнинг таркиби, хоссаси, структураси, физик ва механик характеристикалари, иншоотлар заминидаги кучланишлар, пойдевор лойиҳалашнинг асосий хусусиятлари, зилзила содир бўладиган районларда заминларни ҳисоблаш сингари масалалар ёритилган.

Ҳ. Солиев. Ўрта мартабда материклар географияси дарсларини планлаштириш. 72 бет. Баҳоси 10 тийин.

Қўлланмада 8-синфда материклар географияси дарсларини планлаштиришнинг тахминий намуналари берилади.

Л. Д. Рожкова, В. С. Кузьмин. Станция ва подстанцияларнинг электр асбоб-ускуналари. 592 бет. Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Дарсликда синхрон генераторлар, кучланиш трансформаторлари, электр аппаратлар ва ток элтувчи қисмлар баён қилинган.

В. И. Лукашик. Физикадан савол ва масалалар тўплами. 192 бет. Баҳоси 25 тийин.

Китобда 6—7-синфлар учун физика курсининг барча бўлимлари бўйича дарслик ва программага мувофиқ масалалар берилган.

• *Ташвишли сигнал*

НУҚСОНЛАР МУЗЕЙИ

Ўтган йилнинг май байрами арафаси. Фарғона шаҳри ўртасидан ўтган Янгисой қирғоғидаги ҳашаматли бино олдига одамлар йиғилган. 11-қурилиш трести раҳбарлари гавдаларини ғоз тутиб, улуғворлик билан табрик қабул қилишяпти. Область ўлкани ўрганиш музейи ходимлари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари юзида қувонч. Ахир, қувонмай бўладими? Қурилиши икки беш йилликни кўрган музей биноси ниҳоят фойдаланишга топширилаётган эди-да!

Ўшандан буён ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо шаҳар ҳуснига ҳуси қўшган уч қаватли кўркам бинони одамлар эндиликда қурувчилар йўл қўйган камчилик ва нуқсонлар музейи деб аташмоқда. Чунки «музей»га ташриф буюраётганларнинг кўнгли тўлмай чиқмоқда. Учта кўргазма залидан ҳозир фақат биттаси ишлайди.

Иситиш ва ҳаво совутиш қувурларининг нобоплиги оқибатида музей экспозициялари ва омборларидаги 45 мингдан зиёд турли ноёб экспонатларга, санъат асарларига, тарихий буюмларга зарар етяпти. Кўргазма зали ва бошқа ҳоналар атрофи ойнаванд қилинганлиги сабабли ёзда залда ҳарорат кўтарилиб кетяпти. Қишда эса совуқ. Бунинг устига, залларда қуёш нуридан ҳимоя воситалари йўқ.

Лойиҳага хилоф равишда бино шифер билан ёпилган. Ҳаво ҳароратидаги ўзгаришлар ва ўқтин-ўқтин бўладиган шамол туфайли шиферлар ёрилиб, парчалари кўргазма залига тушаётир.

Бинода бундан ташқари ҳам жуда кўп камчиликлар бор. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги лойиҳа-конструкторлик бюроси мутахассислари бригадаси бинони кўриб чиқиб, қурувчилар йўл қўйган нуқсонларни қисқа вақтда ва оз маблағ сарфлаб тузатиш бўйича тавсиялар беришган эди. Бироқ музей маъмуриятининг Фарғона шаҳар ижроия комитетига, «Промвентиляция» Фарғона монтаж бошқармасига, шаҳар қурилиш банкига ёрдам сўраб қилган мурожаатлари оқибатсиз қолмоқда.

Ҳа, Фарғона шаҳрида қад кўтарган музей биносининг усти ялтироқ, ичи қалтироқ чиқиб қолди. Шаҳар ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар бу маданият даргоҳининг тўлиқ ишлаши учун шошилинч чоралар кўришлари лозим.

А. ИБОДИНОВ.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

• *Тингланг, томоша қилинг*

4 февраль, чоршанба

Телевидение

МТ-I. 8.00— Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Эгриг. Симфония. 9.55 — «Кичик фожиалар». Бадиий фильм, 3-серия. 11.05 — Мультфильмлар. 11.35 — Жаҳон халқлари ижоди. 12.05 — ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри артистларининг чиқиши. 12.30 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильмлар. 17.25 — Фильм-концерт. 17.50 — Олис орол ҳақида сўз. 18.25 — Фильм-концерт. 19.05 — Чернобилдаги учрашувлар. 19.45 — Янгиликлар. 19.55 — Бадиий фильм. 1-серия. 21.30— Время. 22.05 — А. С. Пушкин ижодиёти музикали иловалар. 22.40 — Дунё ва ёшлар. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Амарфи иштирокида музикали программа.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 13.10 — «Ишқорли болалар». Бадиий фильм, 1-серия. 14.10 — Ўқитувчилар экрани. 15.40 — Янгиликлар. 15.45 — Сен қонунни биласанми? 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Шахмат мактаби. 19.15 — Концерт. 20.00 — Ҳамкорлик. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Дин ва сиёсат. 21.30 — Время. 22.05 — «Ишқорли болалар». Бадиий фильм, 2-серия.

ЎзТВ.I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Комсомол съезди олдидан. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Қардошлик тароналари. 16.35 — Жамиятшунослик. 17.10 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Илмий-оммабоп программа. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.45 — А. С. Пушкин. «Илҳом париси». 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўсмир ва қонун. 20.20 — Манзарали фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Созандалар ҳақида ҳикоялар. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 22.30 — «26 Боку комиссарлари». Бадиий фильм.

ЎзТВ.II. 19.30 — «Пионер телетайпи». 19.40 — «Альба-Регия». Бадиий фильм. 21.10 — Ритмик гимнастика. 21.30 — Время. Душанба. 22.05 — «Шоир тақдири». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Мактаб, оила, тарбия. 10.15 — Булбулча болалар хори куйлайди. 10.40 — «Кармоқ». 11.15 — «Юность» 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — С. Ротару куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40— Қардош республикалар адабиёти. 16.00 — Д. Кедрин поэзияси. 18.15 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 18.30 — М. Дадабоева ва А. Бозоров куйлайди. 19.20 — Аданга. 19.40 — Миллионлар ленинча университети. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.30 — Ф. Вилялов куйлайди. 23.25 — Спорт кундалиги. 23.35 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. —10563. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 29. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12